

Худога шукр, доимо халк орасида юрамиз, кечаю кундуз одамлар билан мулокотда бўламиз. Кимнингдир хаёт тарзидан хурсанд бўлсак, кимларнингдир дунёкарашидан ранжиймиз. Бирор “Худо бор” деса, яна бирор “Худо бор бўлса, кани, кўрсатиб бер!” дейди. Бирорларнинг эса бунака гаплар билан сира хам кизикиши йўқ. Бунга хеч ажабланиш керак эмас, чунки кўп кадим замонлардан буён бундай жараён давом этиб келяпти. Мавзуумизнинг номи бўлиб келган саволга хам одамларнинг муносабати турлича. Аммо кўпчиликнинг фикрича, халол яшаш кийин. Жуда тўгри жавоб, чунки “Жон чекмасанг жонона кайда, токка чикмасанг дўлона кайда?”. Агар хамма нарса осонгина бўлса, хаёт хам зерикарли туюлиб колади. Бирок, инсоф билан, у ёк бу ёгимизга караб гапирадиган бўлсак, ўша замони саодат деб юритиладиган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам даврларидағидан кўра минг минг чандон зиёдрок ва бойрок яшаяпмиз, алхамдулиллоҳ!

Ёши улугларимиздан кўп эшитганмиз. Ўтган асрнинг киркинчи, эллигинчи йилларида халкнинг бошига чунонам кийинчиликлар тушганки, эшитган одам “Ох!” деб юборади. Лекин ўша вактлар хам одамлар халол яшашган-ку? Ўгирилк хам бўлгандир, лекин умумий, оммавий сабр каноат хам бўлган. Очарчилик, қахатчилик, хар хил эпидемиялар тез тез бўлиб турган, очликдан, касалчиликдан канчадан канча одамлар ўлиб кетишган, бирок ялпи талон тарож бўлмаган. Нимага? Чунки одамларнинг инсофи, иймони бўлган, корни оч бўлса хам кўзи тўқ бўлган. Савол тугилиши табиий: “Хозирги одамларнинг инсоф иймони йўкми?”. Жавоб: “Хозирги одамларда хам инсоф иймон бор! Факат замон, дунёкараш, фикр сал бошкачарок. Унда бунда одамларни бошка томонга буриб турадиганлар пайдо бўлиб колади. Баъзан четдан туриб бузувчиларнинг таъсири сезилиб колади”.

Инсон дунёнинг каерига бормасин, барибир, нима биландир шугулланиб тирикчилик килиши керак. Бу хамма биладиган гап. Шароитлар сал бошкачарок бўлиши, енгилрок бўлиши мумкин. Бирок хар жойнинг хам ўзига яраша яхши ёмон томонлари бор. Мукаллаф хар бир мусулмон халол ризк излашга маъмур . Чунки Аллохнинг буйруги, розилиги, талаби шунга мувофикдир.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари ёзадилар: “Ибодат дегани факат намозу рўзадан иборат эмас”.

Демак, бир мусулмон киши газета кўтариб сотиб юрадими, фаррош бўлиб ишлайдими, мол бокадими, бирор юкори идорада ишлайдими, заводда ишлайдими, харбий ва бошка хизматлар билан машгулми, машинаси билан киракашлик киладими, барибир, у ибодат килаётган бўлади. Факат нияти тўгри бўлса, кифоя. Худди минглаб ракъат нафл намоз ўкиган, роса иссик ёки роса совук кунда нафл рўза тутган кишилар канчалик савоб топса, ўшанчалик савоб топиши хам мумкин бўлади. Энди, мўъмин банда касб килиб чарчаса, фарз ибодатини адо этиб ухлаб колса, унинг уйкуси хам ибодат бўлиб ёзилаверади. Чунки у хам диний, хам дунёвий ибодат билан банд эди. Бу хакда хадиси шариф хам бор.

Демак, келиб чикадики, халол яшаш кийин бўлса да, оғирга ўхшаб кўринса да, у ибодатга айлангани учун, изидан ажру савоб келиши аник бўлгандан кейин, мукаррапрохатга бил восита уланиб кетгани сабабли енгиллик хисобига кетаверади. Илохий ваъда бор:

“Албатта, бир кийинчиликнинг изидан кўп енгиллик бор”. (“Шарҳ” сураси, 5 6 оятлар).

Мавзудаги саволнинг жавобини яна хам таҳrir килишга тўгри келяпти: “Халол яшаш

кийинлигидан кўркмаслик керак, балки шундай бўлишини табиий зарурат деб кабул килмок, Аллохнинг авлиё бандаларига ўхшаб кийинчиликни кучок очиб кутиб олмок керак”. Бинобарин, бу дунёдаги кийинчиликларни бир лахзада унутиб, факат, факат, факат роҳат ичра яшаш хам бор. Ўша Фирдавс жаннатининг роҳатларига хаммамизни етказсин, омийн!

Бирок бу ерда фикхдаги енгилини танлаш коидасини унутмаслик лозим. Качонки бир нечта ишдан бирини бажаришга тўгри келса, уларнинг ичидан заари енгилроги танланади. Бу ерда яна сунъий равишда кийинчиликни танлаш керак дейилаётгани йўқ, асло. Бунака гапни айтиш дўстлик, биродарлик коидасига тўгри келмайди. Мисол учун, качонки, инсоннинг ўз якин атрофига тириклик килиш имкони бўла туриб, нотинч жойларга хижрат килиши, ўз ватанида тижоратми ё бошка бирор касб биланми шугулланиб яшаш имконини ташлаб, фахшу зино вабосига гарк бўлган бошка давлатга бориши хеч дуруст эмас. Ёки Мехрибон Роббиси дарёю булокларга, водопроводу кудукларга сув бериб кўйган бўлса ю, сахобаларнинг кўрган кийинчилигини хис килишни хоҳлаб, атайин ўзини чанкокка мубтало килиб, туюнинг корнидаги сувни ёриб олиб ичиши мутлако акли соглом одамнинг киладиган иши эмас.

Бу ерда халол яшашдан кўркмаслик, чўчимаслик тавсия килиняпти, холос. Чунки хали айтилганидек, ибодатли одам ўзининг, бола чакасининг ризкини таъминлашга интилиб чарчаса, бундан кўнгли чўкмаслиги керак. Зотан, Аллохнинг савдоси хакидаги ояти каримага асосан бу кийинчилигу оғирчиликлар Жаннат роҳатига етишиш учун тўлов бўлиб юзага чикяпти. Колаверса, “Жонингизни халокатга ташламанг”, ояти билан сунъий равишда кийинчиликка дуч бўлишдан кайтарилганмиз. Зоро, Жаннатга кириш чиптаси на жарак жарак пулга, на олтину кумушга сотилмайди. У чиптани кўлга киритиш учун ниятни пок килиб олиб, Аллоҳ ризосига мувофик харакат кilmok талаб килинади. Енгилрок табассум билан айтадиган бўлсак, “форма оплаты” ана шундай.

Рахматуллоҳ Сайфуддинов